

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

1. ҚИЛДАС ЧИКИЛДИ АН ВУКЕРИТИЛГАН

• Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўраётган Олий ва ўрта махсус таълимнинг янги йўналишлари бўлиб қолди.

• Таълимнинг янги йўналишлари бўлиб қолди.

2. ТАСВИБЛАДИ АН ВА АМАЛГА ҚИРТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўраётган Олий ва ўрта махсус таълимнинг янги йўналишлари бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўраётган Олий ва ўрта махсус таълимнинг янги йўналишлари бўлиб қолди.

3. ҚОРАДИ ҚИЛДАН

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қўраётган Олий ва ўрта махсус таълимнинг янги йўналишлари бўлиб қолди.

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

• Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;

• Тошкент кимё-технология институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи	4
2.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.2.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2.	5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	11

1. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, ёғ-мой маҳсулотлари технологияси бўйича ишлаб

чиқариш, қайта ишлаш, тадқиқ қилишга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини камраб олади.

1.2.2. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари – ёғ-мой саноатида қўлланиладиган хом-ашё ва материаллар, ноанъанавий мойли хом ашёлар, ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологиялари ва жиҳозлари, ёғ ва мойлар сифатини назорат қилиш, ёғ-мой маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси, ёғларни қайта ишлаш ва қадоқлаш технологик жараёнлари ва жиҳозлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Қўшимча ва ўзгартаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режасларининг янгиланган ҳолда ишлаб чиқилишида ҳисобга олинади.

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни камраб олади:

- ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси;
- ноанъанавий мойли хом ашёларга ишлов бериш технологияси;
- ёғларни қайта ишлаш технологияси;
- ёғ ва мойлар сифатини назорат қилиш;
- ёғ-мой маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси;
- ёғ-мой маҳсулотларини қадоқлаш технологияси;
- маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш;
- ёғ-мой маҳсулотлари ассортиметини кенгайтириш ва маркетингни ривожлантириш;
- янги технологияларни жорий этиш ҳамда инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш.
- иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш.

1.2.3. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- ишлаб чиқариш;
- илмий-тадқиқот;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A321001 – Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш

технологияси (маҳсулот турлари бўйича);

- 5A32002 - Озиқ-овқат саноати машиналари, агрегатлари ва жараёнлари;
- 5A321003 - Озиқ-овқат хавфсизлиги;
- 5A320501 - Биотехнология (озик-овқат, озука, кимёвий маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги учун биопрепаратлар ишлаб чиқариш) магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавр:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуктаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

2.2. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;
- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- намунавий технологик жараёнларни қўллаш;
- технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш;
- амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;
- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, ускуналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;
- республика ва ҳорижда чоп этилган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хом ашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:

– ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари уларнинг қисмлари, деталлари ва йиғма бирикмаларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштириш;

– бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш;

– асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқишли ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий-илмий фанлар;

- умумкасбий фанлар;

- ихтисослик фанлар;

- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Табиий-илмий фанлар бўйича:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда эҳтимоллар назариясининг математик асослари ҳақида тасаввурни шакллантириши, экспериментал маълумотларга ишлов бериш кўникмаларини пайдо қилиши;

механиканинг физик асослари, электр ва магнетизм, тебраниш ва тўлқинлар физикаси, статик физика ва термодинамика ҳақида билимлар бериши.

Умумқасбий фанлар блоки бўйича:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқлик, таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

муҳандислик чизмаси ва эскизлари, компьютер графикаси, фазовий шакллари текисликда тасвирлаш ва график (AutoCAD, КОМПАС-3D, bCAD ва ҳ.к.) дастурлар бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмалар бериши;

озик-овқат инжиниринги учун компьютер графикаси асослари, компьютернинг дастурий таъминоти, озик-овқат саноатида ва педагогик технологияларда қўлланиладиган компьютер дастурлари ҳақида тасаввурлар бериши;

элемент атомларининг тузилиши, кимёвий боғланишлар, эритмалар, концентрацияларни ифодалаш, эритмалардаги мувозанатлар, кимёвий реакциялар тезлигини ҳисоблаш;

органик моддаларнинг синфланиши, гомологик қатори, номенклатураси, органик реакцияларнинг синфланиши, реакция мувозанати, механизми ва кинетикаси ҳамда органик моддаларнинг функционал гуруҳлари бўйича назарий ва амалий билимлар бериши;

электр занжирлари ва уларнинг элементлари, нозизиқли электр, электрон ва магнитли занжирлар, транзисторлар ва улар асосидаги схемалар, электр машиналари ва электр юритма асослари бўйича назарий билимлар ва амалий кўникмаларни шакллантириши;

кучлар системаси, мувозанат тенгламалари, кинематика ва динамиканинг асосий қонунлари, деформациялар, мураккаб кучланиш ҳолати, силжиш, бурилиш, эгилиш, мураккаб қаршилиқ, устуворлик, ўзгарувчан кучланишлар, машина деталларини ишлаш лаёқати ва уни таъминлаш, саноатда ишлатиладиган конструкцион материаллар, фрикцион узатмалар ва вариаторлар, планетар ва тўлқинсимон узатмалар, механик бирикмалар, муфтлар ва шу каби қисмлар ҳақида тасаввурлар пайдо қилиши;

кимёвий термодинамика асослари, фазавий мувозанат ва эритмаларнинг хусусиятлари, кимёвий кинетика, катализ, сирт ҳодисалар термодинамикаси, ҳамда моддаларни таҳлил қилишнинг замонавий усуллари бўйича билимларни шакллантириши.

микробиологиянинг асосий манба ва объектлари, унинг озик-овқат саноатидаги ўрни, микроорганизмларнинг умумий тавсифи ҳамда уларга ташқи муҳит объектларининг таъсири, озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда микроорганизмларнинг роли ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

озик овқат саноатида қўлланиладиган биотехнологик ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари, биотехнологиянинг асосий манба ва объектлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

оксил, ёғ, углевод, фермент, витамин, аминокислота, гормонларнинг биокимёвий тузилиши ва хоссалари ҳақида билиши;

озик-овқат маҳсулотларининг асосий компонентлари, токсикантлар, озик-овқат маҳсулотлари структураси ва физик-кимёвий хоссалари, уларнинг технологик жараёнларда ўзгариши ҳамда инсон организмга таъсири ҳақида тушунчаларга эга бўлиши;

озик-овқат саноатининг барча ишлаб чиқариш тармоқлари: ёғ-мой, дон, қандолат, консерва, гўшт, сут, макарон, қанд ва турли хил ичимлик маҳсулотлари технологияси ҳақида асосий тушунчаларга эга бўлиши;

озик-овқат инжиниринги жараёнларининг техникавий термодинамикаси, иссиқлик узатиш назарияси, конвектив иссиқлик алмашиш, иссиқликнинг нурланиши, ёқилғи ва ёниш назарияси, қозон қурилмалари, ҳамда ишчи суюқликларнинг хоссалари, жисмнинг суюқликда сузиши, технологик жиҳозларни назорат қилувчи гидравлик аппаратуралар ва гидропневмоавтоматика элементлари ҳақида тасаввур пайдо қилиши;

инсонларнинг табиатга кўрсатадиган антропоген таъсирлари, атмосфера ҳавоси ва сув ҳавзаларини ифлослантирувчи манбалар ҳақида илмий тасаввур пайдо қилиши, чиқиндисиз технологик жараёнларни ташкил қилишнинг асосий принципларини, ишлаб чиқаришда экологик масалаларни ечиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигида меҳнатнинг қулай шароитлари, иш жойидаги метеорологик иқлим параметрлари, табиий, техноген ва экологик турдаги фавқулотда вазиятлар, фуқаро муҳофазасининг асосий тамойиллари, оммавий қирғин қуроллари, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар, фавқулотда вазиятлар давлат тизими ҳақида тасаввурларни шакллантириши лозим;

озик-овқат саноати корхоналарида бошқарув, менежерлик ва ҳисоб ишларини юритишнинг назарий ва амалий кўникмаларига, ҳамда рентабеллик, ишлаб чиқариш самарадорлиги, тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблаш кўникмалари, ишлаб чиқариш корхоналари ва фирмаларининг турлари, иш ҳақи тизими, ишлаб чиқариш харажатлари структураси бўйича назарий билимлар бериши;

озик-овқат инжинирингида системалар ва уларни автоматлаштириш, технологик жараёнларнинг технологик параметрлари, автоматик бошқаришнинг техник воситалари, технологик математик моделлар, техника объектининг кибернетик модели ҳақида тасаввур пайдо қилиши;

қишлоқ хўжалик хом ашёсини сақлаш ва қайта ишлашнинг назарий асосларини, хавфсиз ингибиторлар, витаминлар қанд ўриндошлари, хид ва ранг берувчи компонентлар ишлаб чиқариш технологияси, қишлоқ хўжалик хом ашёси ва улардан қайта ишлаб тайёрланган маҳсулотларини қабул қилишда ва истеъмолчиларига жўнатиш тартибини, ёрдамчи материалларнинг сифатини аниқлашни, кимёвий моддаларнинг токсик хусусиятлари, синфланишини, биологик хавф-хатар, кимёвий ва физик хавф-хатарлар, қишлоқ хўжалик хом ашёсини хавфсиз технология асосида бирламчи ишлов бериш ва чуқур қайта ишлаш;

ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ва ёғларни қайта ишлаш корхоналари структураси, мойли уруғларни мой олишга тайёрлаш, форпресслаш ва экстракциялаш цехларини, ёғлари рафинациялаш, оқлаш ва дезодорациялаш цехларини, саломас, катализатор, водород, маргарин, майонез, совун, ёғ кислоталари, глицерин ва шу каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш цехларини лойиҳалаш ҳақида тасаввурларни шакллантириши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки бўйича:

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

мойли уруғлар ва меваларнинг морфологик ва анатомик тавсифи, уруғ тўқималарининг тузилиши, уруғ ва мой ҳосил бўлишига ташқи муҳитнинг таъсири, ёғли уруғлар хужайраларининг микроскопик тузилиши, ўсимлик хужайрасида моддаларнинг тўпланиши, триглицеридлар номенклатураси, уруғ ва уруғ массасининг хоссаларини, ёғ кислоталари, кислоталарнинг гомологик қаторлари, ёғ кислоталар синтезини, ёғлар ва мойли хом ашёларнинг физик ва кимёвий хоссаларини, триглицеридларнинг синфланиши, тузилиши, изомерланиши ва физик кимёвий хоссаларини билиши;

уруғларни сақлашнинг асосий йўллари, уруғларни тозалаш ва кондициялашни, уруғлардаги чикиндилар ва уларни тозалаш усуллари, уруғларни чакиш, мағизни ажратиш, майдалашни, коворма тайёрлаш, пресслаш ва мойни бирламчи тозалашни, экстракциянинг асосий усуллари, мисцеллани ва шротни қайта ишлашни, эритувчининг генерацияси ва рекуперациясини, ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш ускуналари: тайёрло, пресслаш ва экстракциялаш цехлари ускуна ва қурилмаларини тузилиши ва ишлашини, форпресслаш ва экстракциялаш усули билан мой олишнинг моддий ҳисобини ҳисоблаш кўникмаларига эга бўлиши;

ёғларнинг комплекс рафинацияси, ёғларни гидрогенлаш, ёғларни гидрогенлаш катализаторларини, водород ишлаб чиқаришни, ёғларни гидрогенлаш технологиясини, маргарин ва турли ёғлар, майонез ишлаб чиқаришни, сут ва компонентларни тайёрлашни, гидролиз технологиясини, глицерин ва дистилланган ёғ кислоталарини олишни, совуннинг физик-кимёвий хоссалари, совун пишириш технологияси, ёғларни қайта ишлаш ускуналари: рафинациялаш, гидрогенлаш, водород, катализатор, маргарин, майонез, глицерин, ёғ кислоталари ва совун ишлаб чиқариш ускуналарини билиши керак.

ёғ-мой маҳсулотларини сақлаш ва қадоклаш технологиялари, усуллари ва ҳисобларини билиши;

ёғ-мой маҳсулотларини физик-кимёвий тадқиқ қилишнинг замонавий усуллари, замонавий таҳлил услублари ва ёғ-мой маҳсулотлари сифатига қўйиладиган меъёрий талаблар ҳақида маълумотларга эга бўлиши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади

Қўшимча фанлар блоки бўйича:

таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

ёғ-мой маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаши ҳамда маҳсулот сифатини назорат қилиш ва бошқарувини такомиллаштириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияларини тез суръатларда ўсиб бориши ҳамда маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг ортиб бориш шароитида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

3.2. 5321000 – Озиқ-овқат технологияси (ёғ-мой маҳсулотлари) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	122 ҳафта;
аттестациялар –	16 ҳафта;
таътил –	32 ҳафта;

малака амалиёти – 28 ҳафта;

битирув малакавий иши – 6 ҳафта.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар 28,1 %;

умумқасбий фанлар 46,2 %;

ихтисослик фанлар 21,7 %;

қўшимча фанлар 4,0 %.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

мойли ўсимликлар, асл мойли ўсимликлар, уруғларни ўраб турувчи тўқималар, эндосперм, муртак, липидлар, захира моддалар, уруғларни технологик кўрсаткичлари, уруғларни намлиги, куруқ мевалар, ҳужайра асосий органоидлари, мойли ўсимликлар мойлилиги, уруғларнинг табиий ва абсолют оғирлиги, асосий ва қопловчи тўқима, тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар, позицион изомерланиш, ёғ кислоталардаги изомерланиш, мойларнинг зичлиги, функционал гуруҳлар, эриш ва қотиш ҳарорати, этерификация, глицеридлар, глицеридлар Perezтерификацияси, аммолиз, мойларнинг қуриши, ҳамроҳ моддалар, госсипол, кислота сони, совунланиш сони, йод сони, ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш, чақиш, сепарациялаш, қовуриш, форпресслаш, экстракциялаш, кунжара, чақилма, янчилма, шрот, мисцелла, рафинация, ёғларни қайта ишлаш, оқлаш, дезодорация, оқловчи тупроқ, гидратлаш, деазрация, саломас, соапсток, гидрогенлаш, автоклав, эмульсия, кристаллизация, гудрон, ДЁК, совун рецептураси, маргарин, рецептура, майонез, эмульгатор, қадоқлаш, хроматография, спектроскопия, экспертиза.

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини


Ривожлантириш маркази

Директор  **Б.Х.Рахимов**

2018 йил « 3 » 08

М.Ў.

Тошкент кимё-технология институти

Ректор  **Ш.А. Муталов**

2018 йил « 25 » 06

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

“Ўзпахтаёғ” АЖ


Ишлаб чиқариш ва инвестициялар
бўйича директор

 **Ғ.Э. Пардаев**

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ

Директор  **А.О. Юлчиев**

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

Ислом Каримов номидаги Тошкент
давлат техника университети

Ректор  **С.М. Туробжонов**

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.


ЎЗРФА “Ўсимлик моддалари кимёси
институти”

Директор  **Ш.Ш. Сагдуллаев**

2018 йил « 6 » 08

М.Ў.

**ТКТИ 5321000– Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича)
бакалавр таълим йўналишлари ва 5А321001- Озиқ-овқат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси
(маҳсулот турлари бўйича) магистратура мутахассисликлари бўйича
малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
Ишчи гуруҳ таркиби**

Т/р	Ишчи гуруҳ раиси, раис ўринбосари ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Муталов Ш.А.	ТКТИ ректори, к.ф.д, доцент.	
2	Сафаров Т.Т.	ТКТИ ўқув ишлари проректори, доцент.	
Аъзолари:			
2	Рўзиев А.Т.	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедра мудири, т.ф.н.	
3	Айходжаева Н.К.	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси доценти, т.ф.н.	
4	Джахангирова Г.	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси доценти, PhD	
5	Юнусов О.Қ.	Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси факультети декани, т.ф.н.	

Ректор

Ўқув ишлари проректори



Ш.А.Муталов

Т.Т. Сафаров

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент кимё технология институтининг бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличиларининг бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари

Магистратура мутахассислиги	Бакалаврият учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличиларининг бакалаврият таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари
шифри	номи
5321000	<i>Озиқ-овқат технологияси(ёғ-мой маҳсулотлари)</i> Касбий фаолиятнинг соҳалари: озик-овқат маҳсулотлари технологияси бўйича ишлаб чиқариш, тадқиқ қилиш, қайта ишлаш ва сақлашга йўналтирилган воситалар, усуллар мажмуасини қамраб олади. Касбий фаолиятнинг объектлари: – ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси; – ноанъанавий мойли хом ашёларга ишлов бериш технологияси; – ёғларни қайта ишлаш технологияси; – ёғ ва мойлар сифатини назорат қилиш; – ёғ-мой маҳсулотлари чиқиндиларини қайта ишлаш технологияси; – маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш; – меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларини аниқлаш; – ёғ-мой маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ва маркетингни ривожлантириш; – янги технологияларни жорий этиш ҳамда инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш. – иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш. Касбий фаолиятнинг турлари: • илмий-тадқиқот; • ишлаб чиқариш; • ташкилий-бошқарув; • лойиҳавий-конструкторлик; • фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш педагогик (умуми ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида). Касбий фаолиятнинг умумий малака талаблари: • дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши; • Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши; • табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият

	ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши; • инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳукукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши; • ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши; • тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши; • янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши; • соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим. • таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга; • тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга; • кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар. • техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар, ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, ускуналар ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш; • республика ва хорижда чоп этилган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; • илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш; • мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш; • илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда • участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш; • хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш; • ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш; • намунавий технологик жараёнларни қўллаш; • технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни ҳисоблаш; • амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш; • амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш; • касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак. • ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш; • ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
--	--

	• замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш; • атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш; • касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш; • ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш; • ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш; • фикрлар ҳар хил бўлган шaroитда бошқарув қарорларини қабул қилиш; • бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш; • бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш; • ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш қобилиятларига эга бўлиши керак. • ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари уларнинг қисмлари, деталлари ва йиғма бирикмаларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқишни такомиллаштириш; • бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, ахборот ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш; • асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар ва жиҳозлар, уларнинг ишчи қисмлари параметрлари ва иш ҳолатини ташхис синовларидан ўтказиш қобилиятларига эга бўлиши керак. • умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунара таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёртарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иктисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш; • ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш; • ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тadbик этиш; • мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.
--	--

“Ўзпахтаёғ” АЖ

Ишлаб чиқариш ва
инвестициялар бўйича директор



(Signature)

Ғ.Э. Пардаев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларнинг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли Қарорлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли топшириғига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топширигини бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини шакл ва меъёрларга амал қилган ҳолда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

« 6 » « 08 » 2018 йил

КАТНАШДИЛАР: Тошкент давлат техника университети ректори проф.С.М.Туробжонов, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори доц. С.З.Юнусов, Тошкент давлат педагогика университети ректори проф. Ш.С. Шарипов, Қарши мухандислик-иқтисодиёти институти ректори доц Н.Н.Махмудов, Наманган мухандислик-технология институти ректори проф.О.О.Маматкаримов, Тошкент автомобил йўлларини лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ректори проф. А.А.Рискулов, Урганч Давлат Университетидан проф.Б.И.Абдуллаев, Гулистон Давлат Университети ректори проф. М.Т.Ходжиев, Қорақалпоқ давлат университети ректори проф.А.М.Реймов ва ТошКТИ барча мутахассис тайёрловчи кафедра мудирлари ва профессор - ўқитувчилари.

КУН ТАРТИБИ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрельдаги 5002-сонли топширигининг бажарилишини таъминлаш мақсадида олий таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини шакл ва меъёрларга амал қилган ҳолда “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”даги таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ишлаб чиқилган

малака талаблари ва ўқув режаларини муҳофаза этиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Бакалавр таълим йўналишлари:

1. 5111000- Касб таълими (5320400-Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича))
2. 5111000-Касб таълими (5321000-Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича))
3. 5230200- Менежмент (кимё ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш)
4. 5310900- Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти (кимё ва озиқ-овқат)
5. 5320300- Технологик машиналар ва жиҳозлар (озиқ-овқат саноати)
6. 5320300- Технологик машиналар ва жиҳозлар (кимё саноати)
7. 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (целлюлоза-қоғоз технологияси)
8. 5320300-Технологик машиналар ва жиҳозлар (ёғочсозлик технологияси)
9. 5321400-Нефт-газ кимё саноати технологияси
10. 5320400- Кимёвий технология (пластмассаларни қайта ишлаш)
11. 5320400- Кимёвий технология (камёб, таркок ва нодир металллар)
- 12.5320400- Кимёвий технология (ноорганик моддалар)
- 13.5320400- Кимёвий технология (органик моддалар)
14. 5320400- Кимёвий технология (юкори молекулали бирикмалар)
15. 5320400- Кимёвий технология (курилиш материаллари)
16. 5320400- Кимёвий технология (силикат материаллари)
17. 5320400- Кимёвий технология (электрокимёвий ишлаб чиқариш)
18. 5320500- Биотехнология (озиқ-овқат, озуқа, кимё ва кишлок хўжалиги)
